

Ўзбекистон Республикасида бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари 2026 йил январь-апрель


- I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси
- II. Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги ўзгариши
- III. Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари
- IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар
- V. Фойдали ҳаволалар

I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

2026 йил январь-апрель ойларидаги дастлабки маълумотларига кўра, кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **406 368,7** млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-апрель ойлари билан солиштирганда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг реал ўсиши **16,6** %ни ташкил этди.

Маълумот учун: 2025 йил январь-апрель ойларида хизматлар ҳажми **330 540,4** млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2024 йил мос даври билан солиштирганда **12,6** %га ўсди. Мазкур пресс-релизда келтирилган маълумотлар дастлабки ҳисобланиб, қўшимча маълумотлар келиб тушишига қараб кейинги нашрларда аниқлаштирилиши мумкин.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръати
январь-апрель



II. Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги ўзгариши

2026 йилнинг январь-апрель ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши **39,8** %ни (**161 739,0** млрд сўм) ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-апрель ойлари билан солиштирганда реал ўсиш индекси **118,2** %ни ташкил этди. Шунингдек, вилоятлар кесимида энг юқори ҳажм Самарқанд (**30 002,4** млрд сўм, яъни, бозор хизматлари умумий ҳажмининг **7,4** %ини эгаллади), Тошкент (**27 441,9** млрд сўм, яъни **6,7** %), Фарғона (**27 175,6** млрд сўм, яъни **6,7** %) ва Наманган вилоятларида (**21 110,2** млрд сўм, яъни **5,2** %) кузатилди. Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **5 599,4** млрд сўмни ёки умумий хизматлар ҳажмининг **1,4** %ини ташкил этди.



Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги асосий кўрсаткичлари
2026 йил январь-апрель

	Ҳажми, млрд сўмда	Улуши, %да	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси ¹	406 368,7	100,0	116,6
<i>ҳудудлар:</i>			
Қорақалпоғистон Республикаси	12 973,5	3,2	118,2
Андижон вилояти	19 816,3	4,9	113,9
Бухоро вилояти	16 097,8	4,0	114,5
Жиззах вилояти	9 540,1	2,3	116,7
Қашқадарё вилояти	19 465,1	4,8	113,7
Навоий вилояти	10 036,5	2,5	116,7
Наманган вилояти	21 110,2	5,2	117,7
Самарқанд вилояти	30 002,4	7,4	117,3
Сурхондарё вилояти	13 475,5	3,3	117,5
Сирдарё вилояти	5 599,4	1,4	119,0
Тошкент вилояти	27 441,9	6,7	115,7
Фарғона вилояти	27 175,6	6,7	116,6
Хоразм вилояти	14 690,9	3,6	118,0
Тошкент шаҳри	161 739,0	39,8	118,2

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг ҳудудлар кесимидаги ҳажми](#)

2026 йилнинг январь-апрель ойларида кўрсатилган бозор хизматларининг энг юқори реал ўсиш индекслари Тошкент шаҳридан ташқари республиканинг бошқа ҳудудларида, хусусан, Сирдарё (**119,0 %**), Хоразм (**118,0 %**), Наманган (**117,7 %**), Сурхондарё (**117,5 %**), Самарқанд (**117,3 %**), Жиззах (**116,7 %**), Навоий (**116,7 %**) ва Фарғона (**116,6 %**) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**118,2 %**) кузатилди.

2026 йилнинг январь-апрель ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **10 607,5** минг сўмни, 2025 йил январь-апрель ойларида эса **8 786,2** минг сўмни ташкил этди. Реал ўсиш суръати **114,5 %** даражасида қайд этилди.

Ҳудудлар кесимидаги таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ушбу даврда аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига тўғри келиб, **50 749,6** минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-апрель ойлари билан солиштирганда **9 565,4** минг сўмга ошди. Шунингдек, Навоий (**9 013,5** минг сўм), Тошкент (**8 663,3** минг сўм) ва Бухоро (**7 630,7** минг сўм) вилоятларида нисбатан юқори даражада шаклланди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг нисбатан паст кўрсаткичи Сурхондарё вилоятида (**4 465,2** минг сўм) қайд этилди.

¹ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда.

**Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг
ҳажми ва ўсиш суръати кўрсаткичлари**
2026 йил январь-апрель

	Ҳажми, минг сўмда	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси	10 607,5	114,5
<i>ҳудудлар:</i>		
Қорақалпоғистон Республикаси	6 311,6	116,9
Андижон вилояти	5 617,2	112,0
Бухоро вилояти	7 630,7	112,9
Жиззах вилояти	6 076,1	114,6
Қашқадарё вилояти	5 226,4	111,3
Навоий вилояти	9 013,5	115,0
Наманган вилояти	6 603,7	115,5
Самарқанд вилояти	6 836,9	115,2
Сурхондарё вилояти	4 465,2	115,0
Сирдарё вилояти	5 907,2	117,1
Тошкент вилояти	8 663,3	113,8
Фарғона вилояти	6 422,5	114,5
Хоразм вилояти	7 089,8	116,0
Тошкент шаҳри	50 749,6	115,7

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажми](#)

[Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати](#)

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг юқори ўсиш суръати Сирдарё вилоятида (**117,1%**) қайд этилди. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичнинг юқори ўсиш суръати Хоразм (**116,0%**), Наманган (**115,5%**), Самарқанд (**115,2%**), Навоий (**115,0%**), Сурхондарё (**115,0%**), Жиззах (**114,6%**) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**116,9%**) ва Тошкент шаҳрида (**115,7%**) қайд этилди.

2026 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **230 080,0** млрд сўмни ёки умумий бозор хизматлари ҳажмининг **56,6%**ини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-апрель ойлари билан солиштирганда **115,7%**ни ташкил этди.

Ҳудудлар орасида кичик бизнеснинг хизматлар ҳажмидаги энг юқори улуши Фарғона (**75,4%**), Сурхондарё (**74,1%**), Қашқадарё (**73,6%**), Наманган (**73,2%**), Андижон (**72,8%**), Тошкент (**72,4%**), Бухоро (**71,0%**), Жиззах (**70,0%**), Хоразм (**68,4%**) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**69,9%**) кузатилмоқда. Бу эса мазкур ҳудудларда хизматлар соҳасини ривожлантиришда кичик тадбиркорлик субъектлари муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорликнинг улуши нисбатан паст (**42,7 %**) бўлишига қарамай, кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми мамлакат бўйича энг юқори бўлиб, **69 122,3** млрд сўмни ташкил этди.

Сирдарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми бошқа ҳудудларга нисбатан бирмунча паст бўлиб, 2026 йилнинг январь–апрель ойларида **3 827,0** млрд сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида хизматлар соҳаси бўйича кичик тадбиркорлик кўрсаткичлари
2026 йил январь-апрель

	Ҳажми, млрд сўмда	Жами ҳажмдаги улуши, %да	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси	230 080,0	56,6	115,7
<i>ҳудудлар:</i>			
Қорақалпоғистон Республикаси	9 065,5	69,9	113,3
Андижон вилояти	14 435,3	72,8	111,0
Бухоро вилояти	11 429,2	71,0	117,1
Жиззах вилояти	6 676,2	70,0	112,8
Қашқадарё вилояти	14 324,0	73,6	112,7
Навоий вилояти	5 774,9	57,5	116,6
Наманган вилояти	15 455,7	73,2	115,7
Самарқанд вилояти	19 562,3	65,2	114,1
Сурхондарё вилояти	9 991,2	74,1	114,4
Сирдарё вилояти	3 827,0	68,3	117,4
Тошкент вилояти	19 871,3	72,4	110,8
Фарғона вилояти	20 491,4	75,4	114,6
Хоразм вилояти	10 053,7	68,4	112,9
Тошкент шаҳри	69 122,3	42,7	118,1

III. Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари

2026 йилнинг январь–апрель ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб савдо, молиявий ҳамда транспорт хизматлари ҳажмининг ортиши ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги ПҚ-78-сон “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, соҳани ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланган ва уларнинг мониторингини юритиш кўзда тутилган.

2026 йилнинг январь–апрель ойлари маълумотларидан бошлаб, савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматлари халқаро экспертлар тавсиялари ва халқаро статистик стандартларга мувофиқ, қайта сотиш учун мўлжалланган товар захиралари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилмоқда.

Кўрсаткичларнинг ўзаро таққосланувчанлигини таъминлаш мақсадида, мазкур пресс-релизда ўсиш суръатларини ҳисоблаш учун фойдаланилган 2025 йил январь–апрель ойларидаги базавий маълумотлар ҳам айнан шу усул қўлланган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига энг катта ҳисса савдо хизматлари (ўсиши **13,9** %га, умумий ўсишга **3,6** фоиз банд ҳисса қўшди), молиявий хизматлар (**23,8** %га, **3,6** ф.б.), транспорт хизматлари (**15,0** %га, **2,6** ф.б.), яшаш ва овқатланиш хизматлари (**14,0** %га, **2,3** ф.б.), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (**22,3** %га, **1,6** ф.б.), таълим соҳасидаги хизматлар (**22,6** %га, **0,8** ф.б.), бошқа хизматлар (**15,3** %га, **0,7** ф.б.), шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (**17,0** %га, **0,4** ф.б.) ўсиши ҳисобига тўғри келди. Ижара хизматлари (**17,1** %га), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (**15,1** %га), компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари (**12,8** %га), шахсий хизматлар (**10,9** %га) ҳамда меъморчилик соҳасидаги хизматлар (**10,5** %га) ўсиб, умумий ўсишга **1,0** фоиз банд ижобий таъсир кўрсатди.

Мазкур пресс-релизда келтирилган ва қайта кўриб чиқилган 2025 йилги қиёсий кўрсаткичлар савдо хизматлари ҳажмини ҳисоблашнинг янгиланган услубиётини ўз ичига олади, шу сабабли улардан 2026 йилнинг январь–апрель ойлари билан йиллик ифодада таққослаш учун фойдаланиш лозим.

2026 йилнинг январь–апрель ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматлари **25,0** %, яшаш ва овқатланиш хизматлари **17,0** %, транспорт хизматлари **16,5** %, молиявий хизматлар **16,1** %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **7,6** %, таълим соҳасидаги хизматлар эса **3,6** % улушни эгаллади.

Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари
январь-апрель

	Ҳажми, млрд сўмда		Ўсиш суръати, %да
	2025 йил	2026 йил	
Хизматлар – жами	330 540,4	406 368,7	116,6
<i>шундан:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	23 560,0	30 862,1	122,3
молиявий хизматлар	50 220,8	65 559,0	123,8
транспорт хизматлари	57 021,6	66 910,2	115,0
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	<i>27 930,5</i>	<i>34 929,0</i>	<i>114,1</i>
яшаш ва овқатланиш хизматлари	55 946,3	69 143,7	114,0
савдо хизматлари	85 281,1	101 768,7	113,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	7 767,0	9 226,9	117,0
таълим соҳасидаги хизматлар	11 488,5	14 502,6	122,6
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	5 897,1	7 257,3	115,1
ижара хизматлари	4 057,9	5 088,9	117,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	4 296,0	5 095,4	112,8
шахсий хизматлар	6 042,5	7 339,9	110,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	3 898,0	4 785,3	110,5
бошқа хизматлар	15 063,6	18 828,7	115,3

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг асосий турлари бўйича ҳажми](#)

2025 йил январь-апрель ойларига нисбатан савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматларининг ҳажми **16 487,6** млрд сўмга ошиб, **101 768,7** млрд сўмни ташкил этди.


Савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматларининг умумий ҳажми таркибида чакана савдо хизматларининг улуши устунлик қилиб, **42,2** %ни ташкил этди. Улгуржи савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматларининг улуши эса **34,2** %га етди. Автомобиллар ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси, шу жумладан уларни таъмирлаш бўйича ишлаб чиқариш хизматлари, савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматларининг умумий ҳажмида **23,6** %ни ташкил этди.

2025 йил январь-апрель ойларига нисбатан яшаш ва овқатланиш хизматларининг ҳажми **13 197,4** млрд сўмга ошиб, **69 143,7** млрд сўмни ташкил этди. Мазкур хизматларнинг асосий қисми озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш хизматлари билан боғлиқ бўлиб, улуши **96,0** %ни ташкил этди.

2026 йилнинг январь-апрель ойларида транспорт хизматлари ҳажми **66 910,2** млрд сўмга етди. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспорти хизматлари устун бўлиб, улуши **52,2** %ни ёки **34 929,0** млрд сўмни ташкил этди.

Транспорт хизматларининг ўсиши ички ва ташқи савдо фаоллиги, логистика, туризм ҳамда электрон тижоратнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида юк ва йўловчи ташишга бўлган талабнинг ортишига олиб келади.

Транспорт хизматлари ҳажмининг турлари бўйича таркиби
2026 йил январь-апрель




2025 йил январь-апрель ойларига нисбатан таҳлил қилинаётган даврда молиявий хизматлар ҳажми **15 338,2** млрд сўмга ошиб, **65 559,0** млрд сўмга етди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-апрель ойлари билан солиштирганда **123,8** %ни ташкил этди.

2026 йилнинг январь-апрель ойларида молиявий хизматлар таркибида суғурталаш ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари, молиявий хизматлар улуши **88,4** %ни ташкил этди. Суғурталаш бўйича хизматларнинг улуши **7,2** % даражасида қайд этилди. Ёрдамчи молиявий хизматлар эса **4,4** %ни ташкил этди.

2026 йилнинг ҳисобот даврида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми **30 862,1** млрд сўмни ташкил этди. Мазкур соҳа таркибида компьютер дастурлаштириш хизматлари энг катта улушга эга бўлиб, **46,2** %ни қайд этди. Шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари умумий ҳажмида телекоммуникация хизматлари улуши **29,9** %ни, ахборот хизматлари **15,0** %ни, нашриёт хизматлари **6,6** %ни ҳамда бошқа хизматлар **2,3** %ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг турлари бўйича ҳажми
январь-апрель, млрд сўмда



Соҳада компьютер дастурлаштириш хизматларининг юқори улуши янги АТ-кластер шаклланаётганидан далолат беради. Бу эса юқори қўшилган қийматга эга бўлган самарали иш ўринларини яратиш билан бирга, айниқса аутсорсинг хизматлари ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш йўналишида экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

2026 йилнинг январь-апрель ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми **14 502,6** млрд сўмни ташкил этди, унинг таркибида олий таълим соҳасидаги хизматлар (**43,3 %**) устунлик қилди.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг умумий ҳажми **9 226,9** млрд сўмни ташкил этиб, унинг таркибида шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш ва бошқариш бўйича хизматларнинг улуши **92,6 %** даражасида қайд этилди.

2026 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми **7 257,3** млрд сўмни ташкил этди. Мазкур соҳадаги хизматлар умумий ҳажмининг **63,0 %**ини соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар ташкил этди. Шифохона муассасалари хизматлари **20,2 %**, тиббий амалиёт ва стоматология соҳасидаги хизматлар эса **16,8 %**ни ташкил этди.

IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар

Пресс-релизда келтирилган маълумотлар норасмий ва яширин иқтисодийётни баҳолаш учун ўтказилган статистик кузатувлар натижалари ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилган.

Маълумотлар дастлабки ҳисобланиб, кейинги нашрларда уларга аниқликлар киритилиши мумкин.

Бозор хизматлари ҳажми ва уларнинг улуши жорий нархларда келтирилган.

Ўсиш суръатлари тегишли нархлар ва тарифлар индексларидан фойдаланган ҳолда таққослама нархларда ҳисобланган.

Ойлик хизматлар ҳажми қуйидаги манбалар асосида шакллантирилади:

а) тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно), тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари ҳамда нотижорат ташкилотлар (рўйхат бўйича) томонидан тақдим этилган статистика ҳисоботлари;

б) кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ҳар ойлик телефон сўровномалари, чораклик кузатув маълумотлари ва кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар учун ягона йиллик ҳисобот натижалари бўйича баҳолаш;

в) фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини тегишли статистика ҳисобот шакллари асосида баҳолаш;

г) яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳар чоракда ўтказиладиган танланма кузатув натижалари асосида баҳолаш.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми бу – хизмат кўрсатишга ихтисослашган ёки хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури бўлмаган барча хизмат кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмолчиларга (жумладан, норезидентларга) маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматидир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича **кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмида** кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича **ҳисобланган тўловлар (ҚҚС ва акцизсиз)** ҳисобга олинади.

Агар хизматлар реал олди-сотди объекти бўлса ва уларнинг нархи иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқарувчи сарф-харажатларини тўлиқ ёки сезиларли даражада қопласа, бундай хизматлар **бозор хизматлари** сифатида ҳисобга олинади. Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар нақд пул, шу жумладан, пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Улгуржи ва чакана савдо корхоналари учун ишлаб чиқариш ҳажми товарларни қайта сотишдан тушган тушум ва уларни сотиб олиш харажатлари ўртасидаги фарқ ҳамда қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар захирасидаги ўзгаришлар йиғиндиси сифатида аниқланади (*Eurostat, Handbook on prices and volume measures in national accounts, 2016 edition*).

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), шартнома нархлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан транзакция санасида белгиланган курс бўйича қайта ҳисобланади.

Фаолият турлари бўйича **хизматларни таснифлаш** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичига мувофиқ амалга оширилади.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми МСТ (Маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи) бўйича G-S секцияларга кирадиган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми асосида шакллантирилади.

V. Фойдали ҳаволалар

Кўрсатилган бозор хизматларининг статистик ҳисоби бўйича услубий низом

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи (МСТ)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) статистик таснифлагичининг G, H, I, J, K, L, M, N, O, P, Q, R ва S секциялари кодлари батафсил (кенгайтирилган) рўйхати

Handbook on prices and volume measures in national accounts

Тайёрлаш учун масъул:
Хизматлар соҳаси статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.
Электрон почта: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (1280, 1281)

